

## Меҳр ва ғуруримиз манбалари

8 май куни Махсус тайёргарлик циклида тадбирга Қуролли Кучларнинг ҳарбий топография хизмати кўп йиллар хизмат қилиб нафақага бўшаган офицерлар ҳамкорлигида тадбир ўтказишди. Мудофаа вазирлигининг ҳарбий топография хизмати ҳарбий қисм ва муассасаларида, оддий геодезист лавозимидан бошлаб Мудофаа вазирлиги Картография маркази бошлиғи лавозимигача хизмат қилиб, подполковник, Афғонистон уруши қатнашчиси ва ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш комиссияси аъзоси, ҚК хизматчиси захирадаги подполковник Колотило Владимир Николаевич, Мудофаа вазирлигининг ҳарбий топография хизмати ҳарбий қисм ва муассасаларида хизмат қилиб, Қуролли Кучлар Моделлаштириш ва Симуляция бўйича махсус ахборот технологиялари маркази электрон-рақамли топография бўлими бошлиғи лавозимда хизмат қилган, нафақадаги подполковник, ҳозирга пайтда Ўзбекистон Миллий Университетининг геодезия ва геоинформатика кафедраси доценти захирадаги подполковник Мирмахмудов Эркин Рахимжановичлар ташриф буюришди. Давра суҳбати давомида талабаларга ҳарбий ватанпарварлик тушунчалари ва ҳозирда тинч давримизни қадрига етишга ундайдиган тушунчалар билан ўтказилган давра суҳбатидан мамнун бўлдилар. Ҳарбий кафедра номидан таклиф қилинган меҳмонларга миннатдорчилик изҳор этилди ва уларга совғалар берилди.



**Институт ҳарбий кафедраси бошлиғи подполковник Р. Минлишев ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**